

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ХАЛҚ ИРОДАСИ ИФОДАСИ

Асосий қонунимиз

"Конституция" сўзи латинча "констанс", "константис" сўзларидан олинган ва у луғавий жиҳатдан "белгилаш", "қарор қилиш", "тайинлаш", "қонулаштириш" деган маъноларни англатади. Конституция бирон-бир давлатнинг юридик кучга эга асосий қонунини билдиради. У мамлакатдаги барча жорий қонунларнинг асоси ҳисобланиб, қолган барча қонунлар Конституция остида қабул қилинади. Фақат конституциявий қонунлар бундан мустасно. Чунки, конституциявий қонун қабул қилинса, энди унинг асосида Конституциянинг у ёки бу моддасига ўзгартириш ёки қўшимча қилишга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган учун бу сана 1993 йилдан буён ҳар йили умумхалқ байрами, яъни дам олиш кунини ва сиёсий байрам сифатида кенг нишонланади.

Истиқлол анъанаси

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали йиғилишда мамлакат Президенти қатнашиб, маъруза қилади ва бир йил мобайнида Конституцияга амал қилиш, қонунларни такомиллаштириш, демократик-хукукий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги ютуқларни таҳлил этади. 1996 йилдан бери ҳар йили Президент шу тантанани кейинги йилнинг ижтимоий йўналишида қандай йил бўлишини эълон қилади. 1997 йилдан буён Конституция байрамидаги маърузасида давлат раҳбари ўтаётган йил юзасидан қабул қилинган Давлат дастурининг иж-

росини ҳам таҳлил этиб беради. Келаятган йилнинг номини эълон қилар экан, шундай номлашдан кўзланган мақсадларни бир-бир санаб, қабул қилинажак Давлат дастурининг йўналишларини белгилаб беради.

Такомиллаштиш жараёнлари

Конституция қотиб қолган ҳужжат эмас. Замон талаблари билан унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкинлиги унинг олтинчи бўлимидаги 127-, 128-моддаларда аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган. Шунга кўра, ўтган 22 йил мобайнида Конституцияга етти марта, яъни Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган Қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига ўзгартириш, 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелида қабул қилинган Қонунига мувофиқ XVIII, XIX, XX ва XXIII бобларига ўзгартириш ва қўшимчалар, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни асосида 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни асосида 90-моддаси иккинчи қисмига тузатиш, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонунига биноан 32-, 78-, 93-, 98-, 103- ва 117-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

(Давоми 2-бетда).

ҚОМУСИМИЗНИНГ 23 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ



Мамлакатда демократик таълимнинг муҳим ҳусусиятларидан бири жамиятда кўппартиявийлик тизимининг мавжудлигидир. Юртимизда бу таълим, энг аввало, Конституциямизда мустаҳкамланган. Хусусан, Бош қомусимизнинг 60-моддасида "Сиёсий партиялар турли табақа ва ғурuhlарнинг сиёсий иродасини фойдалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар", дейилган. Шу боис сиёсий партия

Конституцияда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда, мамлакат тараққиётида фаол иштирок этиши, жамиятни янада ривожлантириш учун дастурий ғояларидан келиб чиқиб, муқобил тақлифлар бериши, электорати манфаатларини ҳимоя қилиш учун янада ташаббускор бўлиш талаб этилади. Бу эса, янги демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ҳамда фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ

Юртимиз мустақил тараққиёт йўлида дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марраларни забт этди. Миллий иқтисодиётимиз изчил ривожланиб, аҳоли фаровонлиги йил сайин ошиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-нофусининг тобора юқсалиб бораётгани замирида, энг аввало Конституция ва унинг

инсонпарварлик ғояларини ўзида тўла мужассам этган нормалари ётибди. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизими қонун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади. Мустақиллик йилларида ушбу таъминоти тобора юқсалиб бораётгани замирида, энг аввало Конституция ва унинг

мувоzanатининг самарали тизимини шакллантириш, марказ ва жойларда қонун чикарувчи ҳамда вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари, назорат ва зифаларининг родини қулайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 67 йиллигига бағишланган "Конституция ва инсон ҳуқуқлари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вилоят минтақавий вакили, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти, вилоят прокуратураси, адлия, ички ишлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкиллаштирилган тадбирда вилоят касб-хунар таълими муассасаларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Семинарда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунларнинг мазмун-моҳияти, "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг

роли" мавзуларида маърузалар тингланди.

Тадбир сўнггида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Юксак маънавият-ли авлод", "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловлари ҳамда "Мен "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурини қандай тушундим?", "Ватанимга таянч бўламан" каби иншоолар танловларининг республика босқичида фахрли ўринларни қўлга киритган иқтидорли ўқувчилар фахрий ёриқлар билан тақдирланди.

Бектош ИСМОИЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма уч йиллигига бағишланган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – ҳаётимиз қому-си" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Вилоят прокуратураси, ИИБ, Хўжалик, Жиноят ва Фуқаролик ишлари бўйича судлар, халқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-

хунар таълими бошқармаси ходимлари иштирок этган тадбирда миллий қонунчилик тизими ва ҳуқуқий ислохотлар нати-

жалари ҳақида сўз юритилди.

Тадбир сўнггида адлия бошқармаси, нотариал идора ва ФХДларнинг фаол ходимларига фахрий ёриқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.



«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒДИ»

Газетанинг шу йил 4 ноябрдаги 88-сониди юқоридида сарлавҳа остида чоп этилган танкидий мақолага "Тошкент худудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ш. Инағомов имзоси билан жавоб хати олинди.

Унда таъкидланишича, танкидий мақолада кўрсатилган камчилик ва нуқсонлар Охангарон туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари томонидан ўрганиб чиқилган. Ҳақиқатан ҳам, 3-кичик даҳадаги 16-, 18-, 19-, 20-, 21-уйларнинг 0,4 кВ кабелли таъмирталаб бўлиб, Охангарон ТЭТК "Охангарон-1" КБ ходимлари томонидан бажариладиган таъмирлаш ишлари шу йил декабрь ойи-

га режалаштирилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги қарори билан тасдиқланган "Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари"нинг 101-бандида "Худудий электр тармоқлари корхонаси билан бўлиниш чегарасидан истеъмолчиларга ча бўлган умумий уй-жой электр тармоқларининг узлуқсиз таъминоти билан боғлиқ техник ҳолатини таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш учун худудий электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва коммунал-фойдаланиш ташкилотлари жавоб беради" деб белгилаб қўйилган.

"Toshkent HETK" АЖ, шунингдек, истеъмолчиларга узлуқсиз электр энергиясини етказиб бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 июндаги "Энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва улардан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан чўланма лампаларни замонавий тежамкор лампаларга алмаштиришни тасвир этди.

Жавоб хатида шахарнинг 3-кичик даҳасидаги 16-, 18-, 19-, 20-, 21-уйларда истеъмолчиларга қиливчи аҳолининг фойдаланилган электр энергиясидан умумий қарздорлиги 19 миллион 754 минг сўмдан ошганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик таъминотида амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидаги маҳкумлар:
а) аёллар;
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
г) чет давлатлар фуқаролари;
д) I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йил ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсизлик қиладиган оғир касалликларга чалинган, деб топилган шахслар жазодан озод қилинсин.

2. Эҳтиётсизлик орасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганига учун биринчи марта

ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ушбу Қарор эълон қилинган кунда ўталмай қолган жазо муддати уч йил-у олти ойдан кам бўлган шахслар манзил-колонияларга ўтказилсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

6. Ушбу Қарорнинг:

а) амал қилиши – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этган, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган;

жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган; афв этиш ёки амнистия тартибида илгари жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тартибидида жазога алмаштирилган шахсларга;

б) 1-банди амал қилиши – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида кўрсатилган, шунингдек ўта оғир жиноятларни содир этган шахсларга;

в) 3-банди амал қилиши – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида ва 104-моддаси учинчи қисмининг "д" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга;

г) 1-3, 5-бандлари амал қилиши – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167, 168-

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Н. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 2015 йил 3 декабрь.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ХАЛҚ ИРОДАСИ ИФОДАСИ

Жамоатчилик
назорати

Кўриб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (32-, 78-, 93-, 98-, 103- ва 117-моддаларига) 2014 йилнинг 16 апрелидаги Қонуни қабул қилинди. Бу Қонун асосида Конституциямизнинг тегишли моддаларига сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қонуннинг мақсади куйидагича ифодаланган: "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар ҳокимияти ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатининг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, Вазирилар Маҳкамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун ҳукмури олий органнинг, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек,

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўйбга чиқариш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида киритилмоқда".



Ушбу Қонун асосида Конституциямизнинг, жумладан, 32-моддасига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур модданинг аввалги ҳолати куйидагича эди: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларининг демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади".

Энди амалга оширил-

ган янгиликка диққат қилайлик.

"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бун-

Миллийлик ва
умуминсонийлик

Конституциямизда миллий ва умуминсоний хусусиятлар уйғунлашган. Умуминсоний хусусиятлар умумлашганининг бир белгиси шуки, Ўзбекистон Республикаси мустақил

ратки, масалан, 64-моддада ота-оналарнинг фарзанд олдидаги масъулияти айнан миллий тийнатишимиздан (менталитетимиздан) келиб чиқиб белгиланган:

"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди. Болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради".

Бундай модда бошқа давлатлар конституцияларида ҳам бўлиши мумкин. Чунки ҳамма ҳам фарзанд тарбияси билан шуғулланади. Лекин 66-моддада бошқа масала ҳал қилинган:

"Вояга етган, меҳнатга

лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғам-хўрлик қилишга мажбурдирлар".

Биз – кексаларимизни ҳурмат қиладиган, ота-онамиз қаригидан уларнинг хизматларини бахонидил қайтармайдиган халқимиз. Демак, 66-моддада халқимиздаги, миллатимиздаги ана шу қадрият қонунийлаштирилган.

Бундай модда бошқа давлатлар конституциясида ё бор, ё йўқ.

Султонмурод ОЛИМ, Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессори в. б.

Жамият тараққиётини таъминловчи асосий омиллардан бири қонун устуворлигидир. Қонунларга оғинамай амал қилиш, уларда белгилаб қўйилган талабларни сўзсиз

бажариш ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Шу маънода ҳаётимизда асосий Қонунимиз – Конституциянинг ўрни ва аҳамияти бекибдир.

ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Бош қомусимиз мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларни демократлаштириш, "ўзбек модели" асосида жамият ва давлатни модернизация қилиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришларга мустаҳкам асос бўлмоқда. У – тенглар ичида тенг давлат, мустақиллигини ёрқин намоён этувчи асосий ҳужжат, бахтимиз қомуси, халқимизнинг орномусидир. Негаки, унинг ҳар бир моддасида, ҳар бир бандида халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳам, миллий бағрикенглик тамойили ҳам акс этган. Эркин ва обод жамият ҳамда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш юзаси Қомусимизнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бинобарин, 4-моддада қайд қилинганда, "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожлани-

ши учун шароит яратлади".

Маълумки, юксак илм-маърифатсиз бирор ютуқни қўлга киритиш, туб ислохотлар ўтказиш, ёш авлод тарбиясида муваффақиятга эришиш мумкин эмас. Айни шу ҳақиқат Асосий Қонунимизда рўйи-рост акс этган. Бунини "Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар" деб номланган VII бобда ҳам, "Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар" деб номланган IX бобда ҳам аниқ-равшан кўриш мумкин. Жумладан, 41-моддада қуйидагилар кафолатланган: "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир". Мазкур моддага мувофиқ ҳар бир фуқаро билим олиш ҳуқуқи билан кафолатланган, миллатидан қатъи назар, барча фуқароларга бо борада чеклаш йўқ. Давлат томонидан бепул умий таълим олишни мустаҳкамлаб қўйилган. Айни пайтда мактаб-маориф ишларининг давлат назоратида эканлиги

қатъий белгилаб қўйилган.

Конституция бизга фақат ҳуқуқ ва эркинликлар бериб қолмай, қатор бурч ва масъулиятларни ҳам юклайди. Бу ҳақда алоҳида XI боб ажратилиб, "Фуқароларнинг бурчлари" деб номланган. Мазкур бобдаги 6 модданинг ҳар бирида фуқароларнинг муайян бурчларини аниқ равшан кўрсатилган. Жумладан, 49-модда маданий ва маънавий мерос масалалари қамраб олинган: "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир" дейилади. 52-моддада белгилаб қўйилганда, "Ўзбекистон Республикасининг ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгилаб-асрашга ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар".

Хуришд ҲОТАМОВ, жиноят ишлари бўйича Пискент тумани судьяси.

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаронинг шахсий эркинликлари, шунингдек, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари тўла ифодасини тогган. Чунинчи, унинг

36-моддасида шундай дейилади: "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади".

Асосий Қонунимизнинг 43-моддасида "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди" дейилса, 44-моддасида "Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, ман-

сабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи" кафолатланади, деб ёзиб қўйилган.

Хизмат юзасидан идорамизга қўпалаб фуқаролар мурожаат қилишади. Биз эса уларнинг ҳуқуқ

ва эркинликларини Конституция ҳамда қатор қонуний ҳужжатларда кафолатланганини тушунириб боришга ҳаракат қиламиз. Зеро, ҳуқуқий демократик давлатда қонун устувордир.

Гулирох ХАТАМОВА, Чиноз тумани 2-ДНИ нотариуси.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Чиноз туманида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишлаб, "Қонунга ҳурмат – ҳуқуқий демократик давлат фаолиятининг асосий талаби" мавзусида семинар ташкил этилди.

ҚОНУНГА ҲУРМАТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси аъзолари, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари иштирокидаги тадбирда Конституциянинг яратилиш тарихи, унинг демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш ва инсон манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти таъкидланди.

ЁШЛАРГА АЪЗОЛИК БИЛЕТИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши Янгийўл туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда туман технология-иқтисодиёт касб-хунар коллежидида "Конституция – ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, ёшлар иштирокидаги тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Бош қомусимиз билан мустаҳкамлангани таъкидланди.

Тадбир сўнгига тумандаги фаол ёшларнинг 5 нафарига партияга аъзолик билетлари топширилди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

ИНСОН МАНФААТИ УСТУВОР

Юқори Чирчиқ агросаноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежидида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг

Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, партиянинг "Истикбол" ёшлар ва "Фаол аёллар" қанотлари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳаллий кенгаш депутатлари, партия ва маҳалла фаоллари, коллеж битирувчилари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар Конституция-

23 йиллиги муносабати билан "Конституция – бахтимиз қомуси" мавзусида тадбир ташкил этилди.

да белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, демократик ҳамда ижтимоий адолат тамойиллари ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришди.

Шунингдек, туманининг Жамбул қишлоғидаги врачлик пунктининг эски биноси Конституциянинг 23 йиллиги байрами арафасида тубдан таъмирланиб, янги қиёфада иш бошла-

ди. Шу муносабат билан маҳаллий аҳоли иштирокида тадбир уюштирилди.

– Врачлик пунктида қишлоқда яшовчи 1535 аёл, 376 ўсмир ёшлар ва кексалар қучурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди, – деди туман марказий шифохонаси бош шифокори Ҳайдар Бобохонов.

Латифжон МАНСУРОВ.

ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ

Ўзбекистонда тараққиётнинг муайян босқичларида жамият ҳаётини янада демократлаштириш мақсадида Конституциямизга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Давлат бошқарувини демократлаштириш ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқаришга қаратилган мазкур ислохотлар пировардида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада мустаҳкамламоқда.

"Мамлакатимизда демокра-

(Давоми. Боши 1-бетда).

тик ислохотларни янада қучурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг изчил амалга оширилиши натижасида Конституцияга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимияти субъектлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда парламент ҳамда жамоат назора-

тини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда парламентнинг қонун чиқарувчи ҳокимият сифатидаги ролини кучайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, қонун ижодкорлиги жараёнида сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва масъулиятини янада ошириш, қонунлар ижроси устидан парламент зоратининг янги, янада самаралироқ таъминлиги жорий қилинди. Бу, ўз навбатида,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш босқичларида сиёсий партиялар фракциялари иштирокини янада кучайтирмоқда.

Ҳар қандай давлатда бўлган каби шахс нафақат муайян ҳуқуқ ва эркинликларга, балки мажбуриятларга ҳам эгадир. Яъни, турли ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлиш фуқаро фақат ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдала-

ниб қолмай, жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятларни ҳам ўтайдиган. Масалан, Конституциянинг 20-моддасига кўра, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлар шарт.

Бир сўз билан айтганда, Бош Қомусимизни билиш,

Расул КУШЕРБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.

ЭЪЛОНЛАР

"REAL AUCTION" МЧЖ бошланғич баҳоаси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилади!

Аукцион савдолари: I. Тошкент вилояти Олмалик шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар ИИБ ИХХБ жарима майдонига савдосига тақдир этилади: 1. 28.10.2014 йилдаги 17849-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2008 йилда и.ч., дав/рак: 101771КА, бошланғич баҳоаси - 28 193 523 сўм бўлган "Нексия" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 2. 28.10.2014 йилдаги 17850-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2008 йилда и.ч., дав/рак: 10Н38СА, бошланғич баҳоаси - 19 823 400 сўм бўлган "BA3-2107" русумли техник носоз; 3. Тошкент вилояти Олмалик шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар ИИБ автомобиллари савдосига тақдир этилади: 18.03.2014 йилдаги 6416-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2006 йилда и.ч., дав/рак: 10Е454СА, бошланғич баҳоаси - 6 886 490 сўм бўлган "BA3-21150" русумли техник носоз автотранспорт воситаси тақдир этилади. II. Тошкент вилояти Олмалик шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар ИИБ жарима майдонига савдосига тақдир этилади: 02.06.2014 й. 10565-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1982 йилда и.ч., дав/рак: 10А468А, бошланғич баҳоаси - 3 435 821 сўм бўлган "BA3-2106" русумли техник носоз; 02.06.2014 й. 10564-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1980 йилда и.ч., дав/рак: 10Е462СА, бошланғич баҳоаси - 2 829 823 сўм бўлган, "BA3-21011" русумли техник носоз; 23.01.2014 йилдаги 1849-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1977 йилда и.ч., дав/рак: 10W8556, бошланғич баҳоаси - 1 495 625 сўм бўлган "BA3-2101" русумли техник носоз; Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар 1-сонли ИИБда савдосига тақдир этилади: 18.11.2013 йилдаги 17585-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1985 йилда и.ч., дав/рак: 10И6003, бошланғич баҳоаси - 1 204 876 сўм бўлган "UA3 469" русумли техник носоз; Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, "Савло" МЧЖ оморидида савдосига тақдир этилади: 11.02.2013 йилдаги 433-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1985 йилда и.ч., дав/рак: 6981 ТША, бошланғич баҳоаси - 392 410 сўм бўлган "Урал" русумли техник носоз; 25.05.2010 й. 7576-сонли ижро ҳужжатига асосан: и.ч., йили номълум, дав/рак: йўқ бўлган, бошланғич баҳоаси - 512 580 сўм бўлган, "Урал" русумли техник носоз; 19.05.2010 й. 3344-сонли ижро ҳужжатига асосан: и.ч., йили номълум, дав/рак: йўқ бўлган, бошланғич баҳоаси - 496 732 сўм бўлган, "Урал" русумли техник носоз; 19.05.2010 й. 3344-сонли ижро ҳужжатига асосан: и.ч., йили номълум, дав/рак: йўқ бўлган, бошланғич баҳоаси - 496 753 сўм бўлган, "Урал" русумли техник носоз мотоцикл ва автотранспорт воситалари тақдир қилинмоқда. III. Тошкент вилояти Паркент тумани СИБ томонидан: 1. 2014 йил 10 февралдаги 11-1334/1471-сонли Ариза (буюртма)сига асосан: Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент шаҳри, Кесканжар кўчаси Паркент МТПда савдосига тақдир этилади: 1990 йилда и.ч., дав/рак: 11АВ046, бошланғич баҳоаси - 10 946 286 сўм бўлган "Зил 431412 Авто кран" русумли техник носоз; 2. 2014 йил 10 февралдаги 11-1334/1406-сонли Ариза (буюртма)сига асосан: Паркент тумани, Паркент шаҳри, Кесканжар кўчаси Паркент МТПда савдосига тақдир этилади: 1987 йилда и.ч., дав/рак: 11АВ034, бошланғич баҳоаси - 9 463 959 сўм бўлган "Камаз 5410 Титач" русумли техник носоз автотранспорт воситалари савдосига тақдир қилинмоқда. IV. Тошкент вилояти Охангарон тумани Суд ижрочилиги бўлими томонидан, Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Охангарон Раҳмонотранссервис майдончасида савдосига тақдир этилади: 1. 12.12.2013 й. 1-439-13-сонли ижро ҳужжати асосан: 2009 йилда и.ч., дав/рак: 500097 ДА, бошланғич баҳоаси - 16 999 984,03 сўм бўлган, "ТБА СПБ Нексия донс" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 2. 16.04.2012 й. 1-84/12-сонли ижро ҳужжати асосан: 1984 йилда и.ч., дав/рак: 81 83 ТШИ, бошланғич баҳоаси - 383 982,73 сўм бўлган, "ИЖП 3" русумли техник носоз мотоцикл; 3. 23.12.2013 й. 1-521-13-сонли ижро ҳужжати асосан: 1999 йилда и.ч., дав/рак: 10Е545А, бошланғич баҳоаси - 9 796 34,08 сўм бўлган "ТБА BA3 21100 СПБ" русумли техник носоз автотранспорт воситаси тақдир қилинмоқда. V. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 04.03.2010 йилдаги 11-0928/20575-сонли ижро ҳужжати асосан: Тошкент вилояти, Янгийўл

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали куйидагиларни савдога қўлади!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали томонидан "Тошкент ҳақиқат" газетасининг 2015 йил 28 ноябрдаги 95 (12835)-сонлида чоп этилган хабарномаси билан очик аукцион савдоларида чиқарилган ТПФ "Миллий банк" таъсисли, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Набережная кўчасида жойлашган, кўчаси мулкларнинг тўлов шартлари оид қисми, яъни "савло тоғлибига савло тоғлиб аниқланган кундан бошлаб 10 календар сўм ичида тўлақ амалга оширилиши шарт. Қолган тўловлар тенг миқдорда 5 йил (60 ой) мобайнида қисмларга бўлиб амалга оширилиши" "Унинг" савло тоғлибига савло тоғлиб аниқланган кундан бошлаб 10 календар сўм ичида тўлақ амалга оширилиши шарт. Қолган тўловлар тенг миқдорда 7 йил (84 ой) мобайнида қисмларга бўлиб амалга оширилиши" деб ўқилин.

Асос: Миллий банк. Тошкент вилояти бўлимининг 2015 йил 2 декабрдаги МР-11/6213-сонли хати.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор туман, 1-Қорақалпош кўчаси, 1-А уй. Тел.: (0-371) 228-78-96.

"KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоаси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилади!

Тақдир этиладиган савдосига 1) Утепа тумани СИБ томонидан; Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 17.12.2013 йилдаги ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 117 765 388 сўм бўлган, "MYASNOFF PLUS" хусусий корхонасига қарашли бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Наби Ҳасанов кўчаси, 23-уйда жойлашган, умумий майдон 487,0 кв.м.дан иборат бўлган "тех ва оморхона биноси"; 2) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 26.12.2013 йилдаги 1-578-2013-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 414 256 160 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Чиркисов кўчасида жойлашган, 850,0 кв.м.дан иборат бўлган исси қаватли, ертўлиги "қурилиш биттаман био" қўйилмоқда. Тақдир этиладиган савдолари 2015 йилнинг 2 декабрь кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашнинг учун талабдорлар мулк бошланғич баҳоасининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 2020800010493635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МФО 00425, ИНН 20128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишип мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қиммати савдоси ўтказишнинг бир иш кунин қолганда соат 17.00 да тўхта-тирилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

Электр энергияси
истеъмолчилари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги "Электр ва иссиқлик энергияси билан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 245-сонли қарорининг 111-бандига асосан "Электр энергияси учун ҳақ тўлаш маиший истеъмолчи томонидан аҳолидан тўловларни қабул қилувчи пунктлар ва ташкилотлар орқали ҳар ойнинг 10-кунигача амалга оширилиши" ва 116-бандида "Маиший истеъмолчилар тўлов бўйича қарздор бўлишганда, тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайдилар" белгиланган бўлиб, ўз вақтида тўланмаган электр энергияси учун ҳар бир кун учун 0,1 % пеня ҳисоблаш тартиби:

Ишлатилган электр энергия миқдори	1 кун учун	3 кун учун	5 кун учун	1 ой учун
5000 сўм учун	5 сўм	15 сўм	25 сўм	150 сўм
10 000 сўм учун	10 сўм	30 сўм	50 сўм	300 сўм
50 000 сўм учун	50 сўм	150 сўм	250 сўм	1500 сўм
100 000 сўм учун	100 сўм	300 сўм	500 сўм	3000 сўм

Жараён

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Тошкент Давлат аграр университетда Ўзбекистон ННТлар IV Миллий форумининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.



Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг

килиш мустақил институти виллоят ҳудудий бўлини-маси, Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди маблагларини бошқариш

бўйича Парламент комиссияси ҳамда виллоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Вазирлар Маҳкамасининг "2015 йилда мамлакат-

нинг жамоат, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги долзарб масалаларни ҳал қилишда давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган Комплекс чора-тадбирлар" режаси доирасида фуқаролик институтлари, шу жумладан ННТ ва давлат органлари ўртасида ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда долзарб масалаларни ҳал этишда ННТларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ташкил этилган форумда Халқ депутатлари виллоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат ко-

миссияси аъзолари, ЎзННТМА Ресурс маркази, ФЖШМҚМИ ҳудудий бўлини-маси вакиллари, виллоят хотин-қизлар кўмитаси, Экологик ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ва Хунарманд уюшмаларининг ҳудудий бўлини-маси раҳбарлари, "Қамолот" ЁИХ, сиёсий партиялар, ташаббускор ННТлар, виллоят адлия, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими бошқармалари, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакиллари иштирок этишди. Таъкидланганидек, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили аҳолининг ижтимоий қатламларини ифода этувчи фуқаролик

институтларининг ролини изчил ошириш ва давлат органлари вазибаларининг фуқаролик институтларига босқичма-босқич ўтказилишида ўзини тўла оқлади. Мамлакатимизда мазкур тамойилни амалга ошириш юзасидан кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар Ўзбекистоннинг янгилаш ва модернизация қилиш, аҳолининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, соҳаларга оид ва ҳудудий дастурлар ижросида ННТларнинг кенг иштирокини таъминлашга ҳуқуқий пойдевор бўлмоқда.

Форум якунида давлат органлари ва ННТларнинг ижтимоий шериклик алоқаларини янада мустаҳкамлашда фаол иштирок этган ташкилотларга факрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди. **Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,** **Қобилжон ҒОҒУРОВ** олган сурат.

ГАЗ ҚУВУРЛАРИ ТЎЛИҚ ТЕКШИРИЛДИ

Юртимизда қиш фасли бошланди. Ҳадемай, изгириш ва совуқ кучайиб, халқ ҳўжалиги тармоқларини, аҳоли хонадонларини табиий газ ва иссиқлик билан таъминлаш бирмунча мураккаблашади. Шу боис қиш йили жойларда қуз-қиш мавсумига алоҳида тайёргарлик кўрилади.



"Бекободшаҳаргаз" филиалидан маълум қилишларча, газ ҳўжаликлари 2015-2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш учун махсус режа асосида текширувдан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва нуқсонлар бартараф этилди. Хусусан, бу йил режага қиритилган 360 метр узунликдаги газ қувурлари тўла ва мукамил таъмирланди. 22,5 ўрнига 25,5 километр узунликдаги қувурлар махсус асбоб ёрдамида текширувдан ўтказилди. 107,5 километр узунликдаги газ қувурлари кучли ҳаво босими ёрдамида тозалашиб, эчиликча бардоши синаб қўрилди.

Газ қувурларининг қуз-қиш мавсумига қай даражада соғлиғи ҳар йили вақтида ва синчковлик билан текширилиб, аниқланган камчи-

лик ва нуқсонлар тезда бартараф этиб борилса, улар шунча узоқ хизмат қилади, таъминотда узил-пишлар бўлмайди, — деди филиалнинг газ тақсимлаш нуқталари ва қувурларини фойдаланиш бўйича етакчи муҳандиси Ихтиёр Ҳўжаев. — Шунингдек, қувурларни вақти-вақти билан бўяб туриш ҳам уларнинг "умрини узайтиради". Буни филиалимиз фаолиятида синовдан ўтказганимиз. Масалан, бу йил 6,4 километр узунликдаги қувурлар бўялиб, режа 103 фоиз бажарилди.

Етакчи мутахассиснинг айтишича, бу йилги мавсум олдидан 14 минг 326 та дудбуроннинг қуз-қиш шароитига соғлиғи ҳақида далолатнома тузилиши керак. Айни пайтда бу режа ҳам яқунланмоқда.

Самад Йўлдош.

Диққат, танлов!

ЭКОЛОГИК ЖУРНАЛИСТИКА ТАНЛОВИ

Атроф-муҳит ҳолати ва экологик муаммолар ечимини топиш бўйича тажрибалир ҳақидаги ахборотни кенг тарқатишда экожурналистиканинг ролини кучайтириш, эколог-журналистлар касб малакасини ошириш мақсадида анъанавий экожурналистика танлови эълон қилинади.

2015 йилда мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати, қуйи палатанинг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши,

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Экофоруми томонидан ўтказилмоқда.

Танловга 2014 йилнинг 1 декабрдан 2015 йилнинг 30 ноябрга қадар мамлакатимизда чоп этилган ва эфирга узатилган ижодий ишлар тақдим этилади.

Танлов "Телевидение", "Радио", "Босма ОАВ", "Интернет" номинациялари, ҳамда "Сув, ҳаво, табиат" ва "Тоғ аёллари" махсус номинациялари бўйича ўтказилади.

Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Халқ сўзи", "Народное слово", "Жамият", "Ekohayot" газеталари, www.parliament.gov.uz, www.fundngo.uz, www.eco.uz, www.uznature.uz, www.ngo.uz, www.ecoforum.uz веб-сайтлари экожурналистика танловининг ахборот қўмақчилари ҳисобланади.Танловга ижодий ишлар 2015 йил 30 декабрга қадар Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 59-уйда ва info@eco.uz электрон почтаси орқали қабул қилинади.Ташкилий кўмита билан боғланиш учун телефон: 230-41-53, e-mail: info@eco.uz.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

"Тадбиркор аёл" ассоциацияси виллоят ҳудудий бўлини ташаббус билан Ўрта Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли кредитлар бериш" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Ахборот-маънавият маркази туман бўлини ходимлари, тадбиркор аёллар, коллеж ўқувчилари иштирокидаги тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган янги имкониятлар ва эришилган ютуқлар қайд этилди.

— Давлатимиз раҳбарининг "Хусусий мулк,

кичик ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорларимизни ҳар томонлама кенг қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда, — деди виллоят "Тадбиркор аёл" ассо-



циацияси ҳудудий бўлини раҳбари Малика Қодирхонова.

Семинар сўнгидан тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган коллеж

ўқувчиларининг янги лойиҳалари хусусида соҳа вакиллари маслаҳат ва тавсиялар беришди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

ЁНГИН — ЛОҚАЙДЛИКДАН АЛАНГА ОЛАДИ

Иситиш мавсуми бошланиши муносабати билан ёнгинлар чиқиши хавфи ортши кузатилади. Таҳлилларга кўра, ёнгинлар қузқиш мавсумига тайёргарликдаги масъулиятсизлик ва хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик туфайли содир бўлаяпти.

2015 йилнинг 10 ойидаги ёнгинларнинг кўпи аҳоли тураржойларида юз берди. Ачинарлиси шуки, ёнгин оқибатида турли тан жароҳати олганлар ҳам бор.

Ёнгинлар сабабларини ўрганиш шуни кўрсатадики, оловдан фойдаланишда қонун-қоидаларга амал қилинмади. Об-ҳаво совити билан фуқаролар турли электр ва газ ускуналарида фойдаланишни бошлайдилар. Бу эса қўллаб ёнгинларга сабаб бўлади.

Иситиш мавсумида ёнгинлар асосан қўлбола электр асбобларидан фойдаланиш, уларни узоқ муддат қаровсиз қолдириш, газ босимининг ўйнаши, иситиш печларидан фойдаланишда ёнгин хавф-

сизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, мўрқонларни мавсум олдидан тозаласлик, болаларнинг шўхлиги, ошхонада газ комфоркаларини ёқиб қўйиш ва устидан қийим қуритиш оқибатида рўй беради.

Ейما бозорлардан харид қилинган нозоб эки қўлбола электр иситиш асбобларидан фойдаланмаслик, розеткаларга катта қувватда ишлайдиган бир неча электр иситиш асбобларини уламаслик, печ ёнғига болаларни йўлатмаслик ҳамда уларни уйда ёлғиз қолдирмаслик, печ тагидаги ёғоч полга 70х50 см. ўлчамли металл лист қўйиш, кўмир ёки ўтин ёқилмаган печларни мутахассисларнинг рух-

сати билан газга ўтказиш, печнинг кул ва қўрларини болалар қадами етмайдиغان хавфсиз жойларга олиб чиқиб ташлаш ва сув сеппиб ўчириш зарур.

Борди-ю, печь ўрнатилган хонада газ хиди чиқаётган бўлса, дарҳол хонани шомоллатиб, газ авария хизматига хабар бериш талаб этилади. Нозоблик бартараф этилгунча қадар очик алангадан фойдаланиш, гўгурт ва электр асбобларини ёқиш ёки ўчириш тақиқланади.

Фоҳилар қурбони бўлмай десангиз, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этинг ва фавқулодда ҳолатларда "101" ёки (0371) 264-38-83, 261-39-50 телефон рақамларига қўнғирок қилинг.

Иброҳим АБОБАКИРОВ, виллоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси.

Ёнгин хавфсизлиги хизматлари ҳар дақиқада жасорат, фидойилик талаб қиладиган таҳликали касбни қалб дъвати билан талашган. Бу касб кишилари муқаддас бурчларини адо этиб, ёнгинларнинг олдини олиш, эл-юрт бойликлари ва инсонлар ҳаётини ўт балосидан асрашга астойдил ҳаракат қиладилар.

ХУШЁРЛИК — ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

Ёнгин хавфсизлиги хизмати хизматлари аҳоли уй-жойлари, корхона, ташкилот, муассаса ва халқ ҳўжалиги объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аниқ белгиланган тадбирлар асосида иш юритишади. Бироқ, айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги, антропоген, табиий газдан ва электр жиҳозларидан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари оқибатида ёнгин билан боғлиқ

қўнғилсизликлар келиб чиқиши давом этмоқда.

Ҳар бир фуқаро қондалик турмушида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса, тилсиз ёв келтирадиган моддий ва маънавий зарарларнинг олди олинади. Шунда давлат ва фуқароларнинг шахсий мулкки ва уй-жойлари ёнгиндан асралиб, ўзлари ва фарзандларининг хавфсизлиги таъминланади.

Ш. ВАЛИЕВ, 28-ХЕЖК кичик инспектори.

ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйилган кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент виллояти, Зангиота тумани СИБ томонидан 29.03.2011 йилда ижро ҳўжжати асосан хатланган, Тошкент виллояти, Зангиота тумани, Иттифок қ.ф.и. манзилда жойлашган, умумий майдон 6230,62 кв.м.дан иборат 2 қаватли оморбона биноси, қозонхона, ёрдамчи бино, иссиқхона ва унга тегишли бўлган қўшма бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси: 360 567 000 сўм. 2. Тошкент виллояти, Зангиота тумани СИБ томонидан 20.10.2014 йилда ижро ҳўжжати асосан хатланган, Тошкент виллояти, Зангиота тумани, Уртаовул қўрғони, Ўзбекистон маҳалласида жойлашган, умумий майдон 652,32 кв.м. бўлган 4 қаватли бино. Бошланғич баҳоси: 325 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 6 январь кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Мировот тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишнинг мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кўни (дам олиш ва байрам кўнралидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғич баҳоси бир кўни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашини етатида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" тошкент шаҳар филиалидаги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО 00996, СТИР 207125885. Аукцион лойиҳа соатиб олган мулк қайтагани 5 банк кўни мобайнида тўлаш қўйилган шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мировот тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258. Лицензия: RR-0052.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 02.12.2015 йилдаги № 96 (12836)-сонда чоп этилган эълонда белгиланган аукцион савдоларини ўтказиш кўни 2015 йил 22 декабрь деб ўқилиши.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Олмалик шаҳар СИБ томонидан, Тошкент виллоят ҳўжалик судининг 2013 йил 10 июлдаги 7236-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Олмалик Оби Нон" ХКга тегишли, Тошкент виллояти, Олмалик шаҳри, 5/3-кичиқ ноҳиясида жойлашган, умумий майдон 537,3 кв.м., ер майдон 5049,36 кв.м. бўлган, 2 қаватли маъмурий бино тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 156 001 757 сўм.

II. Аукцион савдосига Олмалик шаҳар СИБ томонидан, Тошкент виллоят ҳўжалик судининг 2013 йил 24 декабрдаги 19162-сонли ва 2014 йил 7 январдаги 11-1305/12854-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Олмалик-саноатвентилиция" Ш/Кга тегишли, Тошкент виллояти, Олмалик шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 4-уй манзилда жойлашган, жами майдон 520,30 кв.м., ЦЗМ биноси, овқатланиш биноси ва бостирма тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 103 063 888 сўм.

III. Аукцион савдосига Олмалик шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Олмалик шаҳар судининг 2013 йил 15 февралдаги 597-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалик шаҳар, Примкулова кўчаси ҳудудида жойлашган, қўйилган кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда: 1. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0003-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 2. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1 хонадан иборат, 0009-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 3. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0013-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 4. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0014-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 5. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0015-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 6. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0016-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 7. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0021-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 8. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0022-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 9. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0023-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 10. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0024-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 11. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0025-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 12. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0026-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 13. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0027-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 14. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0028-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 15. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0029-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 16. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0030-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 17. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0031-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 18. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0032-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 19. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0033-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 20. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0034-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 21. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0035-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 22. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0036-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 23. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0037-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 24. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0038-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 25. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0039-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 26. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0040-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 27. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0041-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 28. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0042-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 29. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0043-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 30. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0044-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 31. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0045-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 32. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0046-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 33. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0047-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 34. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0048-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 35. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0049-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 36. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0050-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 37. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0051-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 38. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0052-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 39. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0053-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 40. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0054-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 41. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0055-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 42. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0056-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 43. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0057-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 44. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0058-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 45. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0059-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 46. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0060-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 47. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0061-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 48. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0062-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 49. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0063-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 50. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0064-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 51. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0065-литердаги савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 18 069 927 сўм. 52. Шаҳаблок гиштан қурилган, 1-хонадан иборат, 0066-литердаги с

